

Биз ким ушбу шартномани тузиб имзо чекувчилар, Ўз низоми асосида иш юритувчи «MAKRO FARM ANDIJAN» МЧЖ раҳбари Б.Д.Тожидинов келгусида «Таъминотчи» деб номланади, Иккинчи томондан ўз низом асосида иш юритувчи «Андижон ТББ» номидан унинг раҳбари Гр. Абдулдулло келгусида «Харидор» деб номланиб, қуйидаги мавзуда келишув шартномасини туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Мазкур шарнома бўйича «MAKRO FARM ANDIJAN» МЧЖ томонидан (кейинги ўринларда Таъминотчи) Харидорнинг талабномаси билан ҳаётий зарур дори-дармонлар, тиббий ашёлар, ва стерилланган дориларни 1-илова (спецификация) асосида товарларни сотади. Шартномага асосан таварларнинг номи, микдори, нархи ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-иловада кўрсатилади.

1.2. Сотиб олувчи (кейинги ўринларда Харидор) эса олинган махсулот учун тўлиқ ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зимасига олади.

1.3. Шартноманинг умумий баҳоси 49 994 000 (Қирик тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўрт минг) сўм.

(Ушбу суммага транспортда етказиб бериш харажати қирмайди)

№	Дори дармонлар номи	ед	Сони	Нархи	ҚҚС	Суммаси
1	Меропинем 1гр №1	уп	244	98 000,00	ҚҚС сиз	23 912 000,00
2	Эноксапарин 40мг 0,4 №1	уп	231	54 000,00	ҚҚС сиз	12 474 000,00
3	Эноксапарин 60мг 0,6 №1	уп	189	72 000,00	ҚҚС сиз	13 608 000,00
	Жами		677			49 994 000,00

2. МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ

2.1 «Таъминотчи» «Харидорга» Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган тиббиётда ишлатилишга рухсат этилган. Сифат маркирофка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадигон ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлган дори-дармонлар ва тиббий махсулотларни сотади.

3. ХИСОБ КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Хисоб китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Газначилик бўлимида рўйхатдан ўтгандан сўнг 5-иш кунда «Харидор» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий сумасининг 30% (фоизи) яни 14 998 200 (ўн тўрт миллион тўққиз юз тўқсон саккиз минг икки юз) сўмни олдиндан «Таъминотчи» нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. «Харидор» томонидан 30% олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Таъминотчи» 60 банк иш кунда мазкур шартномада кўрсатилган микдорда ва нархларда Давлат стандартларига жавоб берадиган тиббий-буюмлар махсулотларини «Харидор»га етказиб беради.

3.4. «Харидор» колган 70% яни 34 995 800 (ўттиз тўрт миллион тўққиз юз тўқсон беш минг саккиз юз) сўм маблагни 10 банк иш кунда «Таъминотчи» хисоб рақамига ўтказиб бериш мажбуриятини оладиз.

4. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Таъминотчи» махсулот сифатини, микдорини, муддатини қафолатлайди. Сертификат ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлайди

4.2. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирилиши учун жавобгар эмасдирлар

- берилган буюртмага асосан етказиб берилган товар махсулотни қабул қилишда асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

- Тавар махсулотни етказиб бериш жараёнида «Таъминотчи» шартнома шартларини ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса «Харидор» нинг талаби билан аниқланган барча қамчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб бериш мажбуриятини олади.

4.3 «Харидор» кўрсатилган шартлар бўйича махсулотни қабул қилиб ва махсулот ҳаққини кўрсатилган муддатда тўлашни қафолатлайди.

- «Харидор» қамчиликларни бепул бартараф этилишин, ёки таъминланиши учун сарфланган харажатларни талаб қилиши ҳуқуқига эга

- «Харидор» мазкур шартнома шартлари тўлиқ бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга

4.4 «Таъминотчи» томонидан берилган махсулотларни қабул қилиш жараёни Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. «Таъминотчи» махсулотни партиялаб бериш ҳуқуқига эга.

5.2. «Таъминотчи» ўз вақтида махсулот етказиб бермаса ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5% пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган сумманинг 50% ошмаслиги керак.

5.3. «Харидор» ўз вақтида махсулот ҳаққини тўламаса ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4% пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50% ошмаслиги керак.

5.4. «Харидор» олган махсулот учун сертификатни бошқа сотувчидан олган махсулотлар учун фойдаланса 5% пеня (пеня) тўлайди ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ҳал қилинади.

5.5. «Сотувчи» ёки «Харидор» томонидан пеня ёки пеня тўлаш шартнома мажбуриятидан озод этмайди.